

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ ФАОЛИЯТИДА
ОЧИҚЛИГИ ВА ОШКОРАЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА АМАЛГА
ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР****Халилов Дониёр**Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
Жазони ижро этиш фаолияти кафедраси ўқитувчиси
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7544633>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги фармонида мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига илм ва маърифат, ахборот технологиялари, меҳнат муносабатлари ва тадбиркорликни ривожлантириш каби зарур бўлган ахборотларни олиш имконияти асосиз равишда чекланишига йўл қўймаслик мақсадида, шунингдек, халқаро стандартларни инобатга олган ҳолда 2020 йил 1 сентябрга қадар давлат сири деб ҳисобланган маълумотлар рўйхатини қайта кўриб чиқиш вазифаси асосий йўналишларидан бири этиб белгиланди[1]. Бир сўз билан айтганда ҲА Kidirbaevich таъкидлаганидек, мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ мамлакатимиз олдида турган асосий вазифалардан бири инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишдан иборат бўлди[2].

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 5 майдаги «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги[3] қонуни ижросини таъминлаш, шунингдек, ички ишлар органларининг озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлган жазони ижро этиш фаолиятининг очиқлиги ва ошкоралигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 майдаги “Ички ишлар органларининг озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлган жазони ижро этиш фаолиятининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 316-сонли қарори имзоланди[4].

Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари” тўғрисидаги қонунида назарда тутилган очиқлик ва шаффофлик тамойилига асосан ички ишлар органлари ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фойдаланилишини таъминлаш бўйича тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини, шунингдек, жисмоний ва юридик шахслар қонунчилиқда белгиланган тартибда ички ишлар органларининг фаолияти ҳақида ҳаққоний ахборотни олиш ҳуқуқи мазкур қарор билан мустаҳкамланди[5].

Ички ишлар органи фаолиятининг очиқлиги, авваламбор, ҳисобдорлик учун керак, яъни халқ давлат органига эмас, балки давлат органи халққа хизмат қилиши керак деган тамойилни тўлақонли амалга ошириш учун зарур. Фуқаролар у ёки бу ташкилот қандай фаолият билан шуғулланаётганлиги, унинг иш фаолиятининг самарадорлигидан хабардор бўлиши керак.

Юқоридаги қарорга кўра озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлган жазони ижро этиш соҳасида қуйидаги маълумотлар махфийликдан чиқарилди:

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг жазони ижро этиш муассасалари ва тергов ҳибсхоналарида сақланаётган шахслар сони тўғрисидаги маълумотлар[3].

Хорижий давлатлар тажрибаси атрофлича ўрганилиб, таҳлил қилинганда бир қатор давлатларда жазони ижро этиш тизими фаолиятига оид айрим маълумотлар интернет тармоғида умумий фойдаланиш учун очиқлиги маълум бўлди. Бу эса халқаро ташкилотлар, илмий-тадқиқот тузилмаларига ушбу мамлакатлар пенитенциар тизимига доир аниқ маълумотларга асосланган рейтинглар тузиш ва унга холис баҳо бериш имкониятини беради.

Лондонда жойлашган “Қамоқхоналарни тадқиқ қилиш халқаро маркази” томонидан 2019 йилда эълон қилинган маълумотга кўра, Ўзбекистонда ҳар 100 минг аҳолига 150 нафар жазо ўтаётган шахс тўғри келиши, тизимда 43,9 минг нафар шахс сақланаётганлиги кўрсатилиб, Ўзбекистон бу борада 222 давлат ичида 105-ўринни эгаллаган. Ушбу маълумотларнинг очиқланиши Ўзбекистоннинг мазкур рўйхатдаги кўрсаткичи 70 поғонага яхшиланишини кўрсатади[6].

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг жазони ижро этиш муассасалари ва тергов ҳибсхоналари сони ҳамда улар жойлашган жой тўғрисидаги маълумотлар[4].

Бу ўз навбатида жамоатчилик томонидан жазони ижро этиш тизимидаги колонияларнинг сиғимига нисбатан сақланаётган маҳкумларнинг кўрсаткичини таҳлил қилинишига имкон яратади.

Баъзи бир ҳуқуқ химоячиларининг “Ўзбекистон қамоқхоналарида маҳбус ва маҳкумлар” ётишга жой етмаслиги натижасида, улар галма-галдан ухлашади деган асоссиз гапларига чек қўяди.

Учинчидан, жазони ижро этиш муассасаларининг ишлаб чиқариш фаолияти, улар томонидан номенклатура бўйича ва пул билан ифодаланадиган ишлаб чиқарилаётган товар маҳсулотлари тўғрисидаги маълумотлар[4].

Ушбу ҳужжат талаблари асосида жазони ижро этиш муассасаларидаги корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятини ривожланишига, рақобатбардош, ички ва ташқи бозорларда харидоргир бўлган юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ҳамда экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

Тўртинчидан, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг жазони ижро этиш муассасалари ва тергов ҳибсхоналарида сақланаётган шахслар орасида ўлим ҳолатлари сони тўғрисидаги маълумотлар[4].

Бешинчидан, жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган ва тиббий тусдаги мажбурий чоралар қўлланиладиган маҳкумлар сони тўғрисидаги маълумотлар[4].

Ушбу маълумотларнинг очиқланиши давлатимиз жазони ижро этиш тизимида олиб борилаётган ислохотларни статистик маълумотлар билан изоҳлаш ва халқаро рейтинглардаги ўрнини аниқ ифода этиш ҳамда фуқароларнинг, шунингдек хорижий экспертларнинг жазони ижро этиш тизимига оид аниқ маълумотларга эга бўлиш имконини беради.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2 март 2020 йилдаги 2017 — 2021 йилларда “Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5953-сон фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 30.04.2021 й., 06/21/6218/0398-сон, 01.05.2021 й., 06/21/6217/0409-сон, 30.12.2021 й., 06/21/45/1228-сон.
2. Kidirbaevich Y. A. Administrative Liability for Non-Fulfillment of Obligations to Educate Teenagers //Web of Scientist: International Scientific Research Journal. – 2021. – Т. 2. – №. 10. – С. 179-182.
3. Ўзбекистон Республикасининг 5 май 2014 йилдаги “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги ЎРҚ-369-сон қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 22 май 2020 йилдаги “Ички ишлар органларининг озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлган жазони ижро этиш фаолиятининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги 316-сон қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.05.2020 й., 09/20/316/0643-сон.
5. Ўзбекистон Республикасининг 16 сентябрь 2016 йилдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги ЎРҚ-407-сон қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон; 14.03.2022 й., 03/22/759/0213-сон, 01.06.2022 й., 03/22/772/0460-сон, 07.06.2022 й., 03/22/775/0477-сон.
6. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири Пўлат Бобожонов Раззакович халқ сўзи газетаси 17 август 2020 йил // электрон манбага мурожаат қилинган вақт 17.10.2022 й. // <https://xs.uz/uzkr/37487>.